

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аликулов Хусниддин Акбарович

*Солиқ қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институт, декан ўринбосари*

Кириш.

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуклари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришда, уларнинг ижтимоий, экологик-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратишда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўмаклашишда ҳамда давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишда мазкур институтларнинг аҳамияти беқиёс.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Фуқароларнинг жамоага бирлашиб жамоатчилик назоратини амалга ошириши жамиятнинг ушбу функциясини рўёбга чиқарувчи асосий механизм бўлганлиги боис, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тобора долзарблашиб бормоқда. Жамоатчилик назорати инсон омили билан чамбарчас боғлиқдир. Жамоат назоратида инсон иккита мақомда мужассам бўлади: биринчиси – мустақил ёки жамоага бирлашиб назоратни олиб борувчи; иккинчиси – назорат “меваларини истеъмол қилувчи”, яъни маълум натижалардан баҳраманд бўлувчи. Фуқаронинг жамоага бирлашиб жамоат назоратини амалга ошириши жамиятнинг бу борадаги функциясини рўёбга чиқарувчи асосий механизм бўлганлиги боис унинг долзарблиги ижтимоий-сиёсий ҳаётда тобора кучаймоқда.

Маълумки, атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш стратегияси табиий муҳит — табиатни муҳофаза қилишнинг энг муҳим масалалари ечимини топиш билан боғлиқдир. Мазкур йўналишдаги муаммони бартарф этиш доирасида ижтимоий шериклар ўртасидаги келишувлар асосида ҳал қилиш қонун ҳужжатлари ва ўзаро ҳамкорлик жараёнида тўпланган тажрибадан фойдаланиш учун ижтимоий шериклик тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, уни такомиллаштириш ташкилий-ҳуқуқий, илмий-услубий, ахборот, кадрлар ва молиявий хавфсизлик масалаларини такомиллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон учун ижтимоий шерикликнинг энг устувор йўналишларидан бири табиий мухитни муҳофаза қилишdir, бу жуда жиддий экологик муаммолар, сифатли ичимлик сувининг етишмаслиги, ер деградацияси, ичимлик суви етишмаслиги ва ёмонлашуви, шаҳарлар атмосфераси сифатининг ҳолати

билин боғлиқ. Аксарият корхоналарнинг фаолияти гигант тоғ-кон, металлургия, энергетика комплексларининг атроф-муҳитга салбий таъсири, атмосфера ҳавосининг ҳолати, ушбу ҳудудлардаги сув объектлари, тупроқ ва бошқа табиий объектлар экологик ва санитария талаблари ва сифатига мос келмайди ҳамда аҳолининг умр кўриш давомийлигига салбий таъсир кўсатади [1].

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг яна бир муҳим ҳуқуқий асосларидан бири - Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади[2]. Қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Улар ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади, нодавлат нотижорат ташкилотларига атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи фавқулодда вазиятларни кузатиб бориш ва олдини олиш, аниқлашнинг самарали тизими яратилишида, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда, жамоатчи инспекторлар институтини шакллантиришда кўмаклашади. Фуқаролар йиғинлари экологик назоратнинг бошқа турлари амалга оширилишида, экологик назорат соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органига таклифлар киритишда иштирок этади, ижро ҳокимияти органлари, тегишли ҳудудда жойлашган муассаса ва ташкилот раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ҳисботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қиласди.

Қолаверса, жамоатчи инспекторлар юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-табиий муҳитни муҳофaza қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатига риоя этилишини кузатиб бориш, жамоатчилик экологик экспертиза-сини ўтказишида иштирок этиш ва бошқа қатор ваколатларга эга бўлди (Қонуннинг 18-моддаси). Бундай жамоатчи инспекторлар институти ҳозирги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея каби давлатларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий қонунимизнинг 32-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақомга эга бўлди. Ана шу конституциявий тузатишни ривожлантириш бўйича қабул қилинган янги қонунлар ва бошқа кўплаб қонунчилик ҳужжатлари фуқаролик жамиятини юксалтиришда,

мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда фуқаролик институтлари, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Мамлакатимизда Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон волонтёрлари ассоциацияси, “Эколог” жамоат бирлашмаси, “ЮСАИД” ҳамда “Евраазия Фаундатион” ҳалқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда волонтёрлар мактаби менторлари ва эковолонтёрлар тармоғи ташкил этилди. Республикализнинг турли ҳудудларидан саралаб олинган ёш йигит ва қизлар илк маротаба экологик муаммоларни бартараф этиш, ёшларнинг экологик онгини шакллантириш, атроф-муҳит муҳофазасида бирлашиш учун бир мақсад йўлида бирлашишди.

Экологик муаммоларни фақатгина ҳамкорликда бартараф этиш мумкин. Келгусида уларнинг фаолиятини кенгайтириш борасида Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда “Ekolog” жамоат бирлашмаси томонидан ҳамкорликда чоратадбиролар амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур мақолада мавзуни ёритишда тарихийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил ва таққослаш каби илмий тадқиқот усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Сўнгти йилларда Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Тараққиёт стратегияси доирасида барча соҳалар каби атроф - муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ижтимоий-иктисодий ҳаётимизнинг барқарор ривожланиш кафолати бўлмоқда. Экологик муаммоларнинг инсон хавфсизлигига таъсирини эътиборга олган ҳолда соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳани ривожлантиришнинг мукаммал ташкилий-хуқуқий асослари барпо этилди.

Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Экологик таълимни ривожлантириш концепциялари қабул қилинди. Шунингдек, ўша йили 2019–2028 йиллар даврида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиялари ҳам тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессияларида билдирган барча ташаббуслари қаторида, экология соҳасидаги таклифлари ҳам дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганлариdek, “Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири – глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф тутдирмоқда” [3].

2015 йилнинг 25 сентябри куни БМТнинг Нью-Йоркдаги саммитида БМТнинг 193та аъзо давлатлари томонидан қабул қилинган ва 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та Барқарор Ривожланиш Мақсадлари ва уларга боғлиқ бўлган 169 вазифаларнинг аниқланишига олиб келди. Барқарор

Ривожланиш Мақсадларини амалга ошириш 2016 йилнинг 1 январидан бошланиб, 2030 йилнинг 1 декабрида якунланиши лозим[4]. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш учун изчил институционал ва ташкилий чоралар кўрилмоқда. Айтиш жоизки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда тегишли халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилган.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда экологик муаммоларни баратараф этиш жараёнида жамоатчилик экологик назорати самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидагилар тавсия этилади:

- давлат бошқаруви органларида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари таркибига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидан эксперtlарни ҳам киритиш;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишнинг сўров технологияларини мунтазам ўtkазиб бориш ва ўtказиша ilgor хориж тажрибаларини қўллаш;

- энг самарали жамоатчилик назорати шаклларидан бўлган эковолонтерлар (эрокўнгиллилар) фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва рағбатлантириш механизmlарини жорий этиш;

- маҳаллий ННТлар билан ҳамкорлик қилиш орқали фуқаролик жамияти вакилларининг оммавий ахборот воситалари билан биргаликда Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш ва сувни тежаш ва жамоатчилик назорати масалалари бўйича хабардорлигини ошириш;

- маҳаллалардаги ҳар бир хонадон эгаларининг экологик саводхонлиги, ҳовлисида парваришлаётган дараҳт кўчатлари, оила аъзоларининг атроф-муҳит, табиатга муносабатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш;

- маҳаллалар тизимида Экологик партия билан ҳамкорликда “Экохудуд” анъанавий танловини жорий этиш - унда “Энг яхши экохонадон”, “Энг яхши экомаҳалла”, “Энг яхши экотуман”, “Энг яхши эковилоят” номинациялари орқали ғолибларни рағбатлантириб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и спользовании природных ресурсов в Республике Узбекистан - 2008: - Ташкент: Chinor ENK, 2008. 300 с.

2. <https://lex.uz/acts/2304953>
3. <https://president.uz/uz/lists/view/3851>
4. <http://www.un.uз/uzb/pages/display/sdgs>